
2024 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ ФАРҒОНАДА ҲАМ ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўтган куни бўлиб ўтган ФИФА (Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси) Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишида Ўзбекистон футзал бўйича 2024 йилги жаҳон чемпионати мезбони этиб белгиланди. Бу муносабат билан ФИФА президенти Жанни Инфантино Ўзбекистонни алоҳида табриклади.

Келгуси йил сентябрь-октябрь ойларида ташкил этиладиган жаҳон биринчилиги ўйинларини ўтказиш мўлжалланаётган мажмуалар орасидан Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуаси ҳам ўрин олган.

Бир неча кундан сўнг ФИФА вакиллари Ўзбекистонда футбол инфратузилмасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулосаларни бериш мақсадида юртимизга ташриф буюришади. Маҳаллий ташкилий қўмита ҳамроҳлигида мусобақага мезбонлик қилиши кутилаётган шаҳарлар, шу жумладан, Фарғона билан танишадилар. ФИФА томонидан мажмуалар, машғулот заллари, меҳмонхоналар ва аэропорт талабга жавоб бериши ўрганилади ҳамда якуний хулоса тақдим этилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-06-25 16:20:58